O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 7 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 11 (7310)

**Da'vat**

***Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.***

**Оноре БАЛЬЗАК**

**Ibrat**

***Навбаҳор туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигида жойлашган Фирдавсий номидаги мактабнинг 422 ўринга эга бўлган янги биноси қуриб битказилди. Замонавий бинода эндиликда 16 та синфхонадан ташқари шинам спорт майдончаси ва ошхона ҳам мавжуд.***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## «ОНА ВА БОЛА» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***2001 йил Ўзбекистон Республикасида "Она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган "Она ва бола" давлат дастури тасдиқлансин.

"Она ва бола" давлат дастури тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Давлат дастурининг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисоблансин:

дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, "Соғлом авлод" дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан буён амалга оширилиши, тўлиқ тугалланишига эришилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда она ва болани парвариш қилиш тизимини яратиш;

ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган "Она ва бола" давлат дастури қоидалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсинлар, уларда аниқ чора-тадбирларни ва бажарилиш муддатларини назарда тутсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат остига олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари:

· тасдиқланган "Она ва бола" давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида "Соғлом авлод" ва "Она ва бола" давлат дастурларининг бажарилишини кўриб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чораги якунларига кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. "Она ва бола" давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳамда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибиятлари ва "Соғлом авлод учун" Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари "Она ва бола" давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 5 февраль



**Янги асрнинг дастлабки йили — Оналар ва болалар йили деб номланди. Она... Аввало у яратувчи хилқатнинг боши. Фарзанд эса ҳаётда занжир вазифасини ўтайди. Она учун дилбанди бахтини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак.**

**Суратда: оилавий шифохона шифокори Азиза Жўраева нуридийдалари билан.**

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат**

## «ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ»

### ЭЗГУЛИККА САФАРБАРЛИК

Ёшларнинг маънавий онгини юксалтириш, уларни чин ватанпарвар бўлиб вояга етишида билим даражасини чуқурлаштириш таълим тизимининг негизидир.

Бу борада жумҳуриятимизнинг бошқа илғор ўқув масканлари қаторида ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ҳам мавзу жиҳатидан хилма-хил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда филология фанлари доктори, ЎзМУ профессори Нажмиддин Комилов билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Йиғилганлар олимнинг илм ўрганиш, китобни севиш, хусусан, устоз ва шогирд муносабати, Ватанга бўлган муҳаббат ҳақидаги чуқур мулоҳазаларини қизиқиб тингладилар.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан қизғин фикрлашдилар, севган шоирларининг шеърларидан ўқидилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларни танланган тўғри йўлдан тойдиришга ҳаракат қилаётган нотўғри қарашлар таъсирига берилмасликка, Ватанни кўз қорачиғидек асрашга ҳамда шу Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга чақирдилар.

**Аброр АҲМЕДОВ,**
**ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейининг 8 «Г»-синф ўқувчиси**

### ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

*Тошкент шаҳрининг "Янги шаҳар" маҳалласида Ислом Университети проректори Абдулазиз Мансуров, Тошкент шаҳар имом хатиби Анвар ҳожи Турсунов, Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари Исроил Азаматов, туман маҳалла жамғармаси раиси Хислат Содиқов ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида ёшларнинг турли ғаразли мақсаддаги гуруҳларга оғиб кетишининг олдини олиш, уларни ўз она-Ватани ёрқин истиқболи йўлида яратувчилик ишига сафарбар этиш мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маҳалла ёшларининг бир мақсад йўлида бошини қовуштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, муаммоларини ечадиган ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этишда кўмаклашиш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда диний оқимга адашиб кириб қолган Равшан Умаровнинг сўзга чиқиб, қилган ишларидан пушаймон эканлигини айтганлиги, ҳаммадан кечирим сўраши ёшларда бу йўл ҳамиша ёмонликка етаклаши, шу боис турли алдовларга ишониб, улар тузоғига тушишдан огоҳ бўлиш лозимлиги ҳақидаги тушунчаларни янада ойдинлаштирди.*

**Дилдор ИСОҚОВА**

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУШТАРАК

Dolzarb mavzu

***Олий ўқув юртларида 2000-2001 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз институт ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи муовини, доцент А.Абдуғаффоров билан бу фанни ўқитишга тайёргарлик босқичи ҳақида суҳбатлашди.***

**— Абдусаттор ака, институтингизда бу долзарб фанни ўқитишга қандай тайёргарлик кўрилди?**

— Президентимизнинг "Миллий мафкура — келажак пойдевори" мавзусидаги кенг қамровли, серқирра маърузалари асосида махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Барча ижтимоий-гуманитар фанлар дарсларида талаба-ёшларнинг онгига миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш мақсадида қўшимча ўқувлар ташкил этилди. Шунингдек, талабалар уйларида етук олимлар, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, маънавият ва маърифат кенгашининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, профессор С.Салимов иштирокида учрашув уюштирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Файласуфлар миллий жамияти ташаббуси билан ташкил этилган уч кунлик илмий-амалий семинар институтимиз маданият саройида ўтказилди. Унда иштирок этган мутахассислар миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдириш борасида амалий йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди.

**— Талаба-ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш жараёнига қандай ёндашилмоқда?**

— Дарҳақиқат, барча олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи 4-курс талабалари учун 52 соат ҳажмида, магистратуранинг 2-курс талабалари учун 64 соат ҳажмида дарс ўқитиш белгиланган. Мазкур фандан дарс берадиган ўқитувчилар учун қўшимча услубий ўқувлар амалга оширилди. Вазирликнинг буйруғи асосида "Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш Маркази" ташкил этилди. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча асарлари, республика Маънавият ва маърифат кенгашининг турли маърузалари матни, рисолалар, Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари кўрсаткичлари мужассамлашган қўлланмалар, турли кўргазмалар билан жиҳозланди. Шунингдек, факультет ва кафедраларда ўқитувчилар учун услубий кўрсатмалар мавжуд. Умуммуҳандислик, мутахассислик кафедра ўқитувчиларига ҳам алоҳида ўқувлар ташкил этилди.

**— Таълим-тарбия жараёнининг муштараклигида яна қандай омилларга мурожаат қилиняпти?**

— Дарс бошланишидан олдинги 5-10 дақиқалик маънавий-маърифий суҳбатлар ҳам бугунги талаба учун зарурий ҳол, деб ўйлайман. Талабалар уйларида "Кафедра кунлари", "Миллий қадриятлар ва ёшлар", "Ёшлар дам олиш оқшоми" каби тарбиявий тадбирларимиз борки, буларнинг барчаси таълимдан айрича эмас.

**Суҳбатдош Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

**Alisher Navoiy tavalludining 560 yilligiga**

## ҲАР БИР АВЛОДНИНГ ЎЗ НАВОИЙСИ БЎЛСИН...

Алишер Навоий ижодий мероси халқимизнинг буюк маънавий бойлигигина эмас, балки маънавий бирлигининг ҳам бетимсол пойдевори ҳисобланади, у — халқимиз ва миллатимиз тимсоли, уни ўрганиш — ўзликни ўрганиш, уни англаш — ўзликни англаш йўлидир.

Алишер Навоий ижодиёти намуналарини ўқиш ва ўрганиш кеча ёки бугун бошланган ҳодиса эмас. Беш ярим асрдирки, бу анъана миллий ўзликни англаш, миллий бирликни таъминлаш, бу йўлда хизмат қилувчи миллий ғоя ва мафкура ифодаси бўлган миллий бадиий адабиёт ривожи ҳамда миллий ўзбек тилининг такомили учун курашнинг сўнмас маёғи янглиғ халқимизнинг маънавияти ва тафаккури қудратини намоён қилиб келмоқда. Ўтган ана шу муддатнинг тўрт асрдан зиёдроқ даври давомида Алишер Навоий асарларини халқимиз асосан, оз сонли қўлёзма китоблардан ўқиб-ўрганган. Фақат XIX асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан шоир асарларини кўп сонли нусхаларда тошбосма (литография) ва типографияларда чоп этиш расм бўла бошлади. Бу соҳада Хоразм шоҳи Феруз ташаббускорлардан бўлди дейиш мумкин. У Эрондан 1879 йилда келтирган тошбосманинг дастлабки нашри Алишер Навоийнинг "Хамса" асари бўлган эди. Й.Абдуллаев маълумотларига кўра, буюк мутафаккир асарларини бу усулда нашр этиш, айниқса, ўша асрнинг 90-йилларидан бошлаб изчил жараёнга айлана борди. Чунончи, 1891 йилда ака-ука Каменскийлар томонидан тошбосмада чоп қилинган "Навоий девони" шу жараённинг дастлабки ҳосили эди. Унга шоирнинг 319 ғазали ва 19 рубоийси киритилганди. Кейин Ғуломҳасан Орифжонов бу соҳада алоҳида ғайрат кўрсатди. У қисқа муддат давомида "Алишер Навоий" девонини уч марта қайта-қайта нашрдан чиқарди, ҳар бир нашрда уни шоирнинг янги асарлари ҳисобига тўлдириб боришга эътибор беради. Л.Н.Левин ҳам 1913 йилда Когонда ўз матбаасида "Ҳазрат амир Навоий" девонини чоп этди, унга 135 ғазал, 78 рубоий, қитъа ва таржеъбанд киритилганди.

Қолаверса, XX асрнинг 20-йилларидан то 80-йиллари охиригача ўтган муддат давомида улуғ санъаткор асарларининг хилма-хил нашрларини амалга ошириш йўлида бирмунча ишлар қилинди. Чунончи, шоир асарларининг асл нусхаларини тиклашга эътибор қилина бошланди. Таниқли матншунос Порсо Шамсиев "Хамса"нинг қатор қўлёзмаларини ўрганиш асосида ундаги ҳар бир достоннинг илмий-танқидий матнларини яратиб, бирин-кетин чоп эттирди. Ҳамид Сулаймонов эса "Хазойинул-маоний" девони илмий-танқидий матнини эълон қилди. Шоирнинг илмий, фалсафий ва тарихий асарларининг ҳам илмий-танқидий матнларини яратишга киришилди. Иззат Султон "Мезонул-авзон"-нинг, Суйима Ғаниева "Мажолисун-нафоис"нинг, И.Эшонхўжаев "Лисонут-тайр"нинг, Л.Холлиев "Тарихи мулуки ажам"нинг илмий-танқидий матнларини тиклаб нашр эттирдилар. Ана шундай изланишлар натижасида ўзбек халқи тарихида биринчи марта "ғазал мулки султони"нинг 15 томлик сайланмаси ўз она тилида ва 10 томлик сайланмаси рус тилида юзага келди. Булар, албатта, салмоқли ишлар эди. Шунга қарамай, профессор Ғ.Саломов эътирофича, собиқ шўролар тузуми шароитида мумтоз шоирлар асарларининг нашрлари кўрсатгичида Алишер Навоий 42-ўринда турган. Олим бу ҳақда ёзади: "1918-1986 йиллар бадалида мамлакатимизда классиклар асарларининг чоп этилиши рўйхатида Навоий... 42-ўринда туради. Шоиримизнинг асарлари 155 марта 3 миллион 943 минг нусхада нашр этилган. Бу тарафдан Навоий И.Бунин, О.Туманян, Шолом Алейхом, Панас Мирний, Андрей Упит, Абдулла Тўқай ва бошқа адиблардан кейинги ўринда туради" (ЎзАС. 1989, 21 апрель). Боз устига бу нашрлар Навоийни замонасоз шоир сифатида тасаввуфий қарашлардан халос этилган ҳолда амалга оширилган эди. Улардан мақсад Навоийни салкам "пролетар шоири", "шўро шоири" даражасида тақдим этиш ва шу асосда уни "шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт"га, шўровий мафкурага хизмат эттириш эди. Ҳатто Навоий ижодини тадқиқ ва ташвиқ қилиш ҳам шу ғоявий ниятга йўналтирилган эди. Натижада собиқ тузум даврида етмиш йилдан зиёдроқ муддат давомида ҳис ва идрок қилиб, англаб ва уқиб, тушуниб амалга оширилган анъанавий навоийхонлик ўрнини расмий-мафкуравий навоийхонлик эгаллади.

(Давоми 3-бетда)

## JUMLADA JAHON

**Ҳиндистоннинг Гужарат штатида шу йил 26 январь куни рўй берган зилзила сўнгги 50 йил давомида оқибат кўлами жиҳатидан энг кучли офат сифатида қайд этилмоқда ва 2 февраль куни Ўзбекистон Ҳиндистон аҳолисига дори-дармон, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатди.**

**Исроил премьер-министри ва мудофаа вазири вазифасини бажарувчи Эҳуд Барак Ғазо сектори ҳамда Иордан дарёси ғарбий қирғоқларида жойлашган барча Фаластин ҳудудларини тўлиқ "изоляция" қилиш тўғрисида буйруқ берди, бу жараён 7 февралгача, яъни Исроил бош вазирини сайлаб олгунча давом этади.**

**Россия президенти В.Путин энергетика вазири А.Гавринни, Приморье ўлкаси губернатори Е.Наздратенкони ишдан озод қилган бир пайтда "Washington Post" газетаси бу ҳақда ёзиб, унинг бу иши президентлик фаолиятидаги энг кескин ҳаракати бўлди дея муносабат билдирган.**

**Гарчи Польша автомобиль ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турган бўлса-да, Жанубий Корея компанияси — DAEWOO Польша заводларида меҳнат қилаётган 5 минг 400 нафар ишчилари сонини 1 минг 300 кишига қисқартириши маълум бўлди.**

## ИСЛОҲОТЛАР АЛИФБОСИ

**ёхуд "Иқтисодий билим асослари" фанини чуқур ўрганиш ҳозирги кун талаби эканлиги хусусида**

Mulohaza

Жонажон республикамизнинг келажакда иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаётганини кўрмоқчи бўлсак, ёшларимизга ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларида гимназия, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиётган талабаларимизга "Иқтисодий билим асослари" фанини чуқур ва пухта ўргатиш зарур. Чунки биз иқтисодий билим асослари ор-қали бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси муаммоси серқирра ва кўпжиҳатлидир. Биз буни замонавийлик нуқтаи назаридан ҳал қилишимиз керак:

— мактаб ўқувчиларини мустақил фаолиятга тайёрлаш иқтисодий тарбиянинг ривожланиш босқичидир;

— ўқувчиларнинг ўқиш, ўқув, меҳнат фаолиятида иқтисодий тарбиянинг имкониятлари ва ривожланишидаги ўзига хослиги;

— иқтисодий тарбиянинг ривожланиш босқичида ўқув, ўйин, меҳнат фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги.

Ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси таълим-тарбия ишларининг барча йўналишларида амалга ошириляпти, буни алоҳида кўринишлар ҳолида умумтаълимий тайёргарликда, ижтимоий-фойдали ва унумли меҳнатда, синфдан, мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар мазмунида, оилада кузатяпмиз. Бундай ҳолат таълимнинг узлуксизлигини, кетма-кетлигини ва боғлиқлигини тақозо этади.

Ушбу кенг кўламдаги иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий муаммолар-

(Давоми 2-бетда)

## «ҲАЛИ ВАҚТ БОР, ҲАММА ИШЛАРГА УЛГУРАМИЗ»

Bizga javob beradilar

*"Маърифат" газетасининг 2000 йил 16 декабрь 97-98-сонида чоп этилган "Ҳали вақт бор, ҳамма ишларга улгурамиз" сарлавҳали мақола "Ёшлик" КСЖ Фарғона вилоят кенгаши томонидан вилоятдаги барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари жисмоний тарбия фани услубчилари ва "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти раис ўринбосарлари иштирокида ўрганилиб чиқилди.*

*Мақолада келтирилган далиллар ўз исботини топди. Текширилган мактабларнинг бирида баскетбол тўпи йўқлиги сабабли мусобақалар бошланмаганлиги ва вилоят, баъзи бир шаҳар, туманлардаги жисмоний тарбия ва спорт ишларига мутасадди ходимларнинг жиддий эътибор бермай, боқибеғамлик кайфиятида юрганлиги аниқланди.*

*Йиғилишда ҳар бир мутасаддига спорт жиҳозлари етишмаган мактабларни спорт жиҳозлари билан, айниқса, тўплар билан давлат ҳисобидан, маблағ бўлмаса "Ёшлик" КСЖ маблағи ҳисобидан таъминлаш вазифаси юклатилди.*

*Мактабларда биринчи босқич мусобақаларини ташкил этиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Иккинчи босқич мусобақалари жиддий тайёргарлик ва масъулият билан бошланди.*

*Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2000 йил 8 ноябрда чиқарган "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида"ги 215-сонли буйруғи, вилоятдаги 12 та ташкилот раҳбарлари тасдиқлаган қўшма қарор, мусобақалар сметаси, жадваллари ва бошқа ҳужжатлар жамлама папкаси мутахассис учун ҳам алоҳида ташкил этилди.*

**М.СОБИРОВ,**
**"Ёшлик" КСЖ вилоят кенгаши раис ўринбосари**

*Ўқувчиларни фаол фикрлашга ўргатиш, уларда билимларни эгаллаш малакасини шакллантириш ҳар бир фан муаллимининг мажбуриятидир.*

*Боланинг келгусида қандай ўсиши кўп жиҳатдан унинг мактабгача болалик давридаги ўқув фаолиятига, психологик ва ақлий жиҳатдан қандай тайёрланганлигига боғлиқ.*



# ҲЕЧ КИМ ҲУҚУҚНИ БУЗМАСИН

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси қошида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, улар ўртасида тарбиявий профилактик ишларни кучайтириш мақсадида раҳбар кадрларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш маркази ташкил этилди.

Мазкур марказда туман халқ таълими бўлими мудирлари, мудир ўринбосарлари, вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ходимлари, туман ХТБ услубхона мудирлари, мактаб раҳбарлари, маҳалла йиғини раисалари 6 соатлик дастур асосида вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан босқичма-босқич ўқитилади.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида фарзандларимизнинг ҳуқуқий тафаккурини ўстириш асосий вазифамиздир, —деди Марказ раҳбари Д.Дадажонова. — Шундагина улар ўзлигини англашга интиладилар, ҳаётда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўша оладиган даражада вояга етадилар. Бу ишларни амалга ошириш учун жойлардаги раҳбар кадрлар аввало қонунларимизнинг маъно-моҳиятини чуқур англашлари, уларнинг ҳаётдаги ўрнини ўзгаларга кўрсата олишлари зарур. Мана шу ишларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ҳар ойда бир марта ўқув курслари ташкил қилиш режалаштирилди, мазкур курсларда фаол қатнашганларга вилоят прокуратураси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тайёрланган сертификат берилади.

Марказда вилоят бўйича йиғилган тарбияси оғир ўқувчиларнинг, жиноят содир этган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг рўйхати билан биргаликда улар ҳақидаги маълумотлар тўпланган.

Шулар билан биргаликда марказда қонунчилик борасидаги барча меъёрий ҳужжатлар жамланган.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВА**

# ОМАДЛИ ЙИЛ

*Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг билимларини ошириш мақсадида таълим муассасаларида барча фанлардан олимпиадалар ўтказилади. Ана шу олимпиаданинг туман ва вилоят босқичи январь ойининг охирида тўлиқ якунланди. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 77-жаҳон тиллари лицейининг ўқувчилари туманда мазкур олимпиадалардан энг юқори натижага эришдилар. 14 фандан ўтказилган ушбу олимпиадаларда лицейнинг 42 нафар ўқувчилари иштирок этиб, шулардан 15 нафари 75 баллдан юқори балл тўплаб вилоят босқичига йўлланма олдилар ва 4 нафар ўқувчи вилоятда фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Қолган 11 нафар ўқувчилар эса рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлдилар. Жорий йилда лицей 5 ёшга тўлади. Бундай муваффақиятларга эришишида лицей ўқитувчиларининг хизматлари бениҳоя юқоридир. Айниқса немис тили фани ўқитувчилари Қосим Саидов ва Гулнора Жумаева, ўзбек тили фани ўқитувчиси Мухаммадали Ибрагимов, тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Х.Ҳолиқовлар ўзларининг фидокорона хизматлари туфайли лицейнинг энг ардоқли ўқитувчиларидан ҳисобланадилар. Лицейни битирган собиқ ўқувчилар ҳозирги кунда Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа вилоятлардаги турли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Тарбия бешикдан, ватанни севиш остонадан бошланганидек, ёшларимизнинг ҳам баркамол бўлиб етишишлари ана шундай кичик ўқув даргоҳларидан бошланади. Зеро, авлодлар ўтган буюк аждодларимизнинг давомчилари, жамиятимизнинг эса муҳим таянчи бўлиб ҳисобланадилар.*

**Р.ХОЛМУРОДОВА**

# ЯНГИ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ



**Ўзбек халқи азал-азалдан ҳунармандчиликда ном қозонган. Айниқса, ҳунармандлар дид билан ишлов бериб ясайдиган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари — хонтахта, эшик ва ромлар, ўқув жиҳозлари ҳамиша юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази томонидан Сирғали туман касб-ҳунар коллежида 2001 йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун замонавий, сифатли мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозларини ва бошқа ўқув дастгоҳларини тендер асосида сотиб олиш учун танлов кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

**Ушбу кўргазмада "Сирғалимебель" АЖ, "Наманганмебель", "Тошкентмебель", "СтеклопластикОТАЖ", (Самарқанд ш.) "Андижонмебель", "Файзхолдинг" компанияси, "Қувамебель", "Олий таълим", "Мактабмебель" қўшма корхонаси, "Фаёз" юмшоқ мебель ва бошқа 40 га яқин қўшма корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотлари билан қатнашишмоқда.**

**Бу корхона ва ташкилотларнинг кўргазмада қўйилган маҳсулотлари, китоб жавонлари, лаборатория парталари, айниқса, Қобил Мусаев томонидан тайёрланган тингловчиларнинг кўргазмали, доскаси ва бошқа корхоналарнинг фанлар учун мўлжалланган махсус парталари, ўқитувчилар хонаси учун мўлжалланган юмшоқ ўриндиқлар кўргазмага келганларга манзур бўлмоқда.**

**Ушбу кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ўзининг бежирим ишланганлиги ва сифати билан ҳар қандай чет эл маҳсулотларидан қолишмаслигига қатнашчилар ишонч ҳосил қилишди. Тендер савдоси якунлари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил маълумотлар бериб борилади.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**

**Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.**

**Муаллиф олган суратлар.**



## Taklif va mulohaza

# ФАНЛАР АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ФОЙДАСИ КАТТА

Давлат таълим стандартларида ўқув фанлари орасидаги алоқадорлик, маълум бир ўқув фанининг бошқа ўқув фанларини ўрганишига таъсири масалаларига катта аҳамият берилган.

Математика ўқитишда ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурларини ривожлантириш, ижтимоий йўналишдаги фанларни ўрганишга ижобий таъсир кўрсатади. Бу ишларни амалга ошириш учун фан ўқитувчилари ўзлари бирлашиб, фикрлашиб, ўзларига керакли мисолларни, машқларни, кўргазмали қуролларни бир-бирларидан олишиб турса яхши натижа беради. Мисол учун, она тилидан келишик қўшимчаларини чизиқли тенгламани ечиш билан, сонларнинг бўлинишлиги билан, математикада синоним, антоним, юқори синфларда шарт эргаш гапли қўшма гап мавзусида шу синфда шу кунларда ўтилаётган теорема аксиомалардан фойдаланилса, ижобий натижа беради.

Мен ўз фанимда математик терминлар луғатини дафтарга тузиб, ўқувчиларга ёздираман. Энди шу чет тилига ўгирилса, янги луғат пайдо бўлади.

Тасвирий санъат, меҳнат дарсларида муаллимлар математика хоссаларига, фигураларига суяниб дарс ўтишса, бу фанларни ўқувчилар қизиқиб, енгил ўзлаштирадилар.

Синфдан ташқари ишларда эса фанлар алоқадорлиги билан турли қизиқарли саҳна ўйинлари, бошқотирмалар тузса бўлади. Хуллас, мактабда ҳар бир фан ўқитувчилари ўзаро бирлашиб, тажриба алмашсалар кўзлаган мақсадларига эришишлари шубҳасиздир.

**Ўғилжон СЕЙТМУРОДОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой шаҳридаги 40-мактаб ўқитувчиси**

# ИСЛОҲОТЛАР АЛИФБОСИ

**ёхуд "Иқтисодий билим асослари" фанини чуқур ўрганиш ҳозирги кун талаби эканлиги хусусида**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ни ҳал этиш иқтисодий малака ва ушбу курсларда дарс бераётган ўқитувчилар олдига уларни самарали бозор иқтисодиётига ўтказишдан жиддий талабларни қўйди. Бу эса ҳар бир меҳнат жамоаси, ҳар бир алоҳида меҳнаткашдан яратувчанлик фаолиятини ҳар томонлама фаоллаштиришни тақозо этади ҳамда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлайдиган юқори малакали иқтисодчи ходимларни тайёрлаш билан шуғулланаётган олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган банк синфлари, гимназиялар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлар муаллимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бўлғуси ходимларни тайёрлашда нафақат талабаларнинг юқори даражадаги иқтисодий билимларини, балки тафаккурини ҳам шакллантириш зарур бўлади.

Таълим даврида ўқувчиларга фақат тайёр билимларнинг муайян ҳажминигина бериш билан чекланмаслик даркор. Энг асосий мақсад — ўқувчига иқтисодий вазиятларни таҳлилий равишда англаб етиш масаласини сингдириш керакки, улар асосида у мустақил равишда мантиқий хулосалар чиқарсин.

Ўқувчиларни фаол фикрлашга ўргатиш, уларда билимларни эгаллаш малакасини шакллантириш ҳар бир фан муаллимининг мажбуриятидир. Билим оддийгина хотира ёрдамида эмас, балки ўз фикрлаш саъй-ҳаракатлари билан эгаллангандагина мустаҳкам ҳисобланади. Билим орттириш жараёнининг ўзига хослиги ҳам ана шундадир. Тажрибалардан шу нарса маълумки, киши бажараётган ишларининг фақат 10 фоизигина хотирасида муҳрланиб қолади. Демак, таълим беришнинг энг самарали шакли, бу — ўқувчи билимларини мустақил равишда излаш билан боғлиқ ҳаракатларга фаол жалб этишга мосланадиган шаклдир.

Бозор иқтисодиёти асослари — дунёқарашни шакллантирувчи фан. Шу сабабдан бунда ўқувчилар билимни тайёр ҳолда олишлари маъқул эмас, балки ўзлари фаол ижодий изланишлар ва амалий материални мустақил таҳлил қилиш жараёнида зарур хулосаларга келганлари жуда муҳимдир. Таълимда бундай натижага эришиш дарс бериш методикаси ва ўқувчиларнинг ақлий, ижодий фаолиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда материалларни етказиш усулларидан фойдаланишга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти асослари ва тадбиркорликни ўрганишда ҳодисага жараёнлар ўртасидаги муносабатлар, миқдорий ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ва таҳлил қилишга катта эътибор қаратилади. Назарий ва амалий иқтисодий фанларни ўқитиш у ёки бу хўжалик вазиятлари, қонуниятларига ўхшаш аниқ мисоллардан фойдаланишни ўз ичига олмоғи керак.

Тингловчиларда доимий қизиқиш уйғотувчи амалий ўйинлар шаклидаги машғулотлар амалий материални яққол тасвирлаш, бойитишга, таълим олувчилар ўзларининг амалий фаолиятлари давомида тушунишларини мустаҳкамлашга имкон туғдиради. Таклиф этилаётган ўйинларни ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу шакл тегишли маъруза курси билан биргаликда тингловчилар томонидан жуда самарали, жонли тарзда қабул қилинади.

Амалий ўйинлар тадбиркорлик тамойиллари, хўжалик қарорларининг фирмалар, банклар, аҳоли томонидан қабул қилинишининг назарияси ва амалиёти тўғрисида дастлабки тасаввурларни беради. Ўйинларда иқтисодий субъектлар белгилари ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи омиллар — даромадлар даражаси, товар баҳолари, банк фоизлари ставкалари, акциялар курси, корпорацияларнинг даромад меъёрлари ва бошқалар акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик ва сиёсий ҳаётидаги янги воқеа-ҳодисалар, унинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда туб ўзгаришларни бошидан ўтказган иқтисодиётнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ҳисобга олиш курсга макро ва микро даражадаги иқтисодий фанларни ўрганишни қўшиш заруратини юзага келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф қилинган иқтисодий ислоҳотларнинг янги қўшимча тамойиллари хорижий мамлакатларнинг бозор муносабатларини кенг ривожлантириш борасидаги тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибалари натижалари, шунингдек, республика халқларининг маънавий, сиёсий, тарихий шароитлари ва анъаналари ҳамда бозор муносабатлари шароитида республика хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олишнинг натижасидир.

**Н.ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор**
**З.АСАДОВА,**
**РТМ "Иқтисодий таълим" бўлими бошлиғининг муовини**

## Uzluksiz ta'lim

# БАДИИЙ ФАОЛИЯТДА УЗВИЙЛИК

Болаларда бадиий-эстетик жиҳатдан бой дунёқараш, юксак маънавият ва маданиятни тарбиялаш, мустақил ва ижодий фикрлашини шакллантириш орқали уларни комил инсон этиб тарбиялаш масаласини муваффақиятли ҳал этишда мактабгача таълим ва мактабдаги узлуксиз тасвирий санъат таълими муҳим аҳамият касб этади. Тасвирий фаолият ёрдами билан болаларнинг қўл ҳаракатлари ва тасвирлаш малакалари шакллантирилади. Уларнинг кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис этиш, рангларни билиш, тафаккур, идрок, хотира, кузатувчанлик, фазовий ва бадиий тасаввури кенгайтирилади. Айниқса, борлиққа эстетик муносабати, миллий меросимизга ихлоси, Ватанга, инсонларга ҳурмати оширилади. Мактабгача таълим муассасаси ва бошланғич синфда болалар бадиий таълим-тарбияси тўғрисидаги тушунчаларни оддийдан мураккаблаштириб бориш, уларнинг изчиллиги, кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигига риоя этиш, шунингдек, болаларнинг ёшига қараб тасвирий санъатдан билиши лозим бўлган маълумотларнинг ўзаро фарқланиши, боғлиқлиги ҳамда билим даражаси, қобилиятини ҳисобга олиш бадиий таълимнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Маълумки, боланинг тасвирий фаолиятга бўлган эҳтиёжи унинг ҳаёти давомида ортиб, мураккаблашиб боради. Шунга кўра, болаларнинг боғчадан мактабга ўтишларида уларнинг тасвирий фаолиятида ва унга бўлган муносабатида ҳам бирмунча ўзгаришлар юз беради. Бу эса, ўз навбатида, мактабдаги ўқитиш билан боғчадаги таълим-тарбия ишлари ўртасида маълум узлуксизлик ва изчиллик бўлишини талаб этади. Бола мактаб шароитига кириб келгач, бу даврдан бошлаб бадиий таълимнинг мазмунида ҳам ўзгариш содир бўлади.

Мактаб тасвирий санъат таълими — боғча ёшидаги болалар тасвирий фаолиятини янада мукаммаллаштирган ҳолда ўқувчиларнинг бадиий маданиятини, эстетик дидини шакллантириш, тафаккурини ўстиришга ва зарур тасвирий малакаларини ҳосил қилишга қаратилади. Мактабгача таълим ва бошланғич синфдаги болалар бадиий фаолиятида унинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, таълим-тарбияда изчиллик ва ўзаро боғланиш асосий педагогик тамойиллардан бири ҳисобланади. Шунга кўра боланинг келгусида қандай ўсиши кўп жиҳатдан унинг мактабгача болалик давридаги ўқув фаолиятига, психологик ва ақлий жиҳатдан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Бунинг учун боғча ва мактаб ўқув дастуридаги изчилликнинг муваффақиятли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бола бадиий камолотида бир неча босқич борки, бу босқичларнинг ҳар бири тарбиянинг ўзига хос шароитини ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини талаб этади. Болада ҳар қайси даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари бўлади. Бадиий тарбиялашда бу хусусият ва талабларга эътибор бериш лозим. Чунки ҳар қайси давр бола ҳаётини шу даврга мувофиқ равишда ўстиришни тақозо этади. Бадиий-эстетик жиҳатдан ўсиш ва тараққиёт жараёнида ҳар бир янги босқич бола олдига янги, юксак талабларни қўяди ва шу билан унинг янада камол топишига ёрдам беради. Фақат бола шу янги талабларга тайёр бўлиши, тасвирий фаолиятга доир зарур малакаларни ўзлаштириши ва мактаб босқичига муваффақиятли ўтиши керак бўлади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар оддий йўналишдаги тасвирий фаолият билан шуғулланадилар. Улар нарсаларнинг тўғри тўртбурчак, юмалоқ, овал, учбурчак, цилиндр шаклларини мустаҳкам ўзлаштириб, расмлар ишлаш, лой ва пластилиндан турли нарсалар тасвирини ясаш, турли воқеаларни ифода этиш имкониятига эга бўладилар. Тайёрлов гуруҳларда эса улар анча мураккаблашади. Жумладан, болалар турли мавзуларда декоратив композицияларни яратишга, мураккаб, кўп қисмдан иборат бўлган шаклнинг яхлитлигини идрок этишга ўргатилади. Тайёрлов гуруҳида болалар нарсаларнинг ўхшашлиги, асосий тузилиши тўғрисида тасаввур ва билимга ҳамда она-Ватанимиз, унинг табиати тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўладилар. Кишилар меҳнати мавзусидаги расмларни ишлайдилар. Тайёрлов гуруҳи болалари ҳар қандай берилган саволга мустақил равишда жавоб қайтариш кўникмасига эга бўлишади.

Бу каби тасвирий фаолиятнинг узвий давом этиши болаларнинг бадиий-эстетик жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир этади. Натижада улар аста-секин тасвирий санъатнинг ижтимоий хусусиятига эга бўлган жиҳатлари билан мактаб шароитида шуғуллана бошлайдилар.

Тасвирий фаолиятда боғча ва мактаб таълимида узвийлик, изчилликка риоя этиш маълум маънода билимларни бир-бири билан мустаҳкамлайди, кейинги ўрганиладиганларига эса замин ҳозирлайди. Бундай изчилликка асосланган бадиий таълимнинг тавсифли белгиси шундаки, у тасвирий фаолиятга доир аввалги билимларга, малакаларга таянган ҳолда янги билим, кўникма, малака ҳосил қилишдир. Бу ҳар икки боғланиш эса тасвирий фаолиятдан ўзлаштирилган билим, кўникма, малакаларни янада такомиллаштиради, чуқурлаштиради, кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Муҳими, таълим-тарбия ишида тизимлилик, изчиллик, узвийликнинг бўлиши тасвирий фаолиятдан болаларнинг ўқув материалларини бир-бирига боғлаган ҳолда мустаҳкам билим олишларини таъминлайди. Шунга кўра, боғча ва мактабда болалар бадиий фаолияти узвийлигини кучайтиришнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор бериш муҳим ҳисобланади:

— аввало, тасвирий санъатдан боғча ва мактаб дастурларининг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш;

— боғча ва мактаб тасвирий фаолиятида узлуксизлик, изчиллик қоидаларига амал қилган ҳолда машғулотларни тўғри режалаштириш ва ташкил этиш;

— тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва ижодкорлигини ўстириш, уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан чуқур, мукаммал билимга эга бўлишини таъминлаш;

— боғча тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчиларининг болалар тасвирий фаолиятига доир ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш;

— тарбиячилар ва ўқитувчилар бирлигида тасвирий фаолиятга доир машғулотлар, давра суҳбатларини ташкил этиш орқали илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, турли мавзуларда семинарлар, учрашувлар, конференциялар ўтказишни юқори савияда амалга ошириш ва яхши натижаларга эришиш;

— боғча ва мактаб тасвирий фаолиятига доир амалий ишларни самарали ташкил этиш орқали болаларнинг ижтимоий-фойдали бадиий меҳнатга бўлган қизиқиши ва иштиёқини ривожлантириш, маданий савиясини юксалтириш ва ҳоказо.

**Ойсоат ХУДОЁРОВА,**
**Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди**

# ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Бугунги кунда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ишлар қизғин. Қайсидир вилоятда касб-ҳунар коллежи қурилиши тугалланаётган бўлса, қайсидир академик лицейда фойдали семинар иш бошлаяпти. Ёки қайсидир коллеж чет элдаги ҳамкорлари билан ҳар томонлама манфаатли бўлган келишувни имзоламоқда.**

**Куни кеча Тошкент молия-иқтисодиёт коллежида ҳамкорликдаги яна бир семинар бўлиб ўтди.**

**Семинар ҳақида Корея маслаҳатчилар гуруҳи катта маслаҳатчиси Ким Тек Дук шундай деди: "Биз Ўзбекистонда таълимга берилаётган катта эътиборни кўриб қувондик. Таълим-тарбия соҳасида қилинаётган ибратли ишларнинг бошида шахсан давлат раҳбарининг турганлиги Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлашимиз учун бизда катта ишонч туғдирди. Маслаҳатчи сифатида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонда билимли, ҳар томонлама баркамол бўлган ўғил-қизлар етишиб чиқади. Чунки уларга янги технологиялар, энг замонавий ўқув қуроллари ёрдамида чуқур таълим берилмоқда. Давлатимиз таълим тизимида изчилликка эришилган. Биз компьютерлар ёрдамида химия, физика, математика, география фанларини ўқувчиларга ўргатиш ва бу ишда компьютерларнинг аҳамияти қанчалик муҳимлигини барчага тушунтириш учун бу семинарни ўтказмоқдамиз. Бошланган янги аср технологиялар асридир. Ҳар бир ёш авлод техника билан ишлашни мактаб, коллеж, лицейдан ўрганмоғи ва буни, олий ўқув юртларида давом эттирмоғи лозим, деб ўйлаймиз».**

**Семинар Тошкент шаҳридаги академик лицей ва коллежларнинг 12 нафар ўқитувчиси иштирокида очилди. Улар кун давомида кореялик ҳамкорлари билан биргаликда компьютер технологиялари билан қандай ишлаш керакли, ўқувчиларга таълим беришда техникадан қандай фойдаланиш зарурлиги хусусида фикр алмашдилар.**

**Семинардан кўзланган мақсад таълим технологиясини ривожлантириш ва ўқитувчиларга ёрдам бериш эди. Семинар ташкилотчилари ва иштирокчилар кўзланган мақсадга эришдилар.**

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

# ШАҲАРДАГИ ШУКУҲЛИ МАСКАН

## Maktabim —faxrim

*Мактаб ёш авлодни билимли, ишбилармон, ватанпарвар, меҳнатсевар, юксак ахлоқли этиб тарбиялашга масъул маскандир. Ана шундай вазифани шараф билан адо этаётган билим масканларидан бири пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган 206-ўрта мактабдир. Серғайрат, ҳаракатчан педагог Саида Мадкаримова бошчилик қилаётган мактаб жамоасининг ташаббускорлиги, ижодкорлиги ўқув тарбия ишларини бугунги кун талаблари асосида қайта қуриши, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида изланишлари ва қўлга киритаётган ютуқлари диққатга моликдир.*

*Зиё маскани 1970 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда 1536 нафар ўғил-қизлар сабоқ олади. Уларга 69 ўқитувчи фан сирларини ўргатади. Мактабда 27 та фан кабинетлари мавжуд бўлиб, бугун 15 тага яқин тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.*

*Айниқса, Дилором Солиҳматова, Қўйсиной Исматова, Мавжуда Абдувалиевалар раҳбарлик қилаётган немис тили, ўзбек тили ва адабиёти, математика кабинетлари илм даргоҳида намунали фан хоналари ҳисобланади. Буларнинг ҳар бирида фан мавзуларига тааллуқли бўлган 150-200 дан ортиқ кўргазмали қуроллар, таълимнинг техник воситалари мавжуд.*

*Мактаб жамоаси бугун ҳақиқий маънода туб ислоҳотлар даврини бошидан кечирмоқда. Ўқувчилар битириш имтиҳонларини тест усулида топширишяпти. Одобнома дарсларида эса қадим маънавий меросимиз, одоб-ахлоқ намуналари ўғил-қизлар онгига сингдириб борилаяпти. Бу эзгу ишлар ёшлар камолида ўз самарасини беради, албатта.*

**Сайфулла АБДУҲОЛИҚОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 206-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси**

# *Офтоб янглиғ зиёли, нурли инсон ҳазратим,*
# *Сўз мулкида тенги йўқ, соҳир султон ҳазратим.*

# ҲАР БИР АВЛОДНИНГ ЎЗ НАВОИЙСИ БЎЛСИН...

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Умумтаълим мактабларида Алишер Навоий ижодий мероси ўрганилганида ҳам нуқул шу мақсад мантиқига риоя қилинди. Борингки, ҳатто шоирнинг 500, 525 ва 550 йиллик юбилейлари ҳам, 50-йиллардан эътиборан анъанага айланган йиллик навоийхонликлар ҳам, асосан, шу муддаони кўзлаган ҳолда амалга оширилди. Бунинг оқибатида Навоийни ўқиб уқмаган, тушуниш ва англашни истаб-истамаган авлод шаклланди.

Истиқлол бизга асл Навоийни қайтараётир. Лекин бизнинг ҳозирги авлодимиз шу кўйга солинганки, у асл Навоийнинг тасаввуфий дунёқарашини идрок қилишга, бундан беш ярим аср илгариги поэтик лексикаси ва услубига хос форсий, арабий ва ҳатто талай эскирган туркий сўзларни, гап қурилмаларини, қолаверса, ўша замондаги аждодларимизга хос фикрлаш тарзини, турмуш реалликларини англашга тайёр эмас.

Навоийга бундай муносабатни ўзгартириш учун, аввало, мавжуд илғор анъаналардан ижодий фойдаланиш лозим. Айтайлик, "рус шеъриятининг қуёши" А.С.Пушкин асарлари билан болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳларидаёқ таништирилади. Энг муҳими, унинг асарлари болалар ёшининг ҳар бир босқичига мўлжалланиб ҳам рангли, ҳам расмли, ҳам шарҳли, ҳам қайта айтиш негизида китобат қилинган. Натижада Пушкин асарларидан иборат хилма-хил комикслар, анимал, йиғма, кесма ўйинчоқ китобларгина эмас, ўша асарлар қаҳрамонлари қиёфаларини ифодаловчи ўйинчоқлар, қолаверса, мультипликаторлар ғайрати билан унинг шеърий адабий эртаклари асосида ўнлаб мультипликацион фильмлар, ўқув фильмлари (диафильмлар), бадиий фильмлар, у ёки бу асарига ишланган расмлар буклетлари юзага келган. Шуларгина эмас, албатта, А.С.Пушкин ижоди театр воситасида ҳам болаларга кенг миқёсда тарғиб қилинади. Натижада қўғирчоқ театридан тортиб то опера театригача турли ёшдаги болалар томошасига мўлжалланган унинг асарлари асосида яратилган хилма-хил спектаклларнинг мунтазам намойиши ўзига хос бир анъанага айлантирилган. Ҳатто Пушкинни тушунишга кўмаклашадиган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган илмий-адабий тадқиқот характеридаги ғоят қизиқиш билан ўқиладиган бадеаъ-китоблар чоп этилган. Бунинг оқибатида рус болалари ҳар бир ёш босқичида ўз Пушкинлари билан учрашиш имкониятига эга бўлганлар.

Гуржистонда ҳам "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон"дан турли ёшдаги болаларга мос ҳикоятлар танланиб, улар асосида ҳар хил ҳажмдаги безакли-рангли ўйинчоқ-китобчаларни кўрганда ҳар бир грузиннинг гапира туриб, ўз фикрини Шота Руставелидан мисра айтиб далиллашишининг сирини тушунмоқ мумкин. Қардош Озарбайжонда ҳам Низомий "Хамса"си ва Фузулий асарлари сюжетлари негизида турли шаклдаги болалар китобати йўлга қўйилган. Бу силсилада йигирмадан зиёд расмли ва ўйинчоқ китобчалар чоп этилган, мультфильмлар яратилган. Булар турли ёшдаги болаларга мумтоз меросга муҳаббат уйғотибгина қўймайди, балки уни ҳис қилиб, тушуниб, англаб идрок этишларига йўл очади ва уларда илгари сурилган ғояларни ўзлаштиришларига асқотади.

Шуниси ажабланарлики, Алишер Навоий асарлари нашр этила бошланганига 120 йилдан ошаётган эса-да, ҳанузгача профессор Н.Маллаевнинг ўрта мактаб ўқувчиларига арузий ҳиссиёт ва сабоқни тарбиялашни кўзлаб амалга оширган ва ҳозиргача уч марта қайта-қайта босилган. "Навоий лирикаси" тўплами ҳамда 1990 йилда рус ва инглиз тилларида чоп этилган "Заргар Зайд ҳақида эртак" ва 1991 йилда нашр қилинган "Қизиқ ҳикоятлар" каби суратли китобчаларни мустасно қилганда, шоир асарларининг болаларбоп нашрларини яратиш соҳасида эътиборли бирор иш қилинганича йўқ. Шу мантиқдан келиб чиқилса, "Шер билан Дуррож" масали асосида боғча болалари учун наинки фақат расмли ўйинчоқ китобча, балки гўзал мультфильм ҳам яратиш мумкин. Қолаверса, "Ёлғончи", "Ҳотами Той ҳикояти", "Кўрлар ва фил ҳикояти", "Марҳаматли Айюб ва ўғри", "Суҳайл ва Меҳр", "Муқбил ва Мудбир" сингари ўнлаб сюжетлар мазмунига мос гўзал расмлар ишлаб, шу хилдаги ранг-баранг расмли китобчалар ҳамда мультипликацион фильмлар, қўғирчоқ театри спектакллари яратишда навоийшунос олимлар, мўйқалам соҳиблари, мультфильм ишловчилар, драматурглар, режиссёрлар, артистлар ва ноширларнинг ҳамкорликдаги топқир зеҳни ва мушоҳадали мутолааси зарур. Шунингдек, "Хамса" достонлари сюжетларини турли ёшдаги болалар савиясига мослаб бадиий қайта айтиш (интерпретация қилиш)да фойдаланса бўлади-ку! Ахир "Дон Кихот" ва "Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари" сингари асарларни Корней Чуковский болаларга мослаб шу тахлитда қайта айтиб, болажонларнинг севимли ўқиш китобларига айлантира олгани ёхуд Вера Смирнованинг қадимги юнон ва грек мифологияси намуналарини танлаб, болаларбоп қилиб қайта айтиш эвазига яратган "Эллада қаҳрамонлари" китоби кўпчиликка аён-ку! Қолаверса, бундай бадиий қайта айтиш юксак санъаткорлик ва бадиий дид билан бажарилганлиги боис мукаммаллик касб этган.

Бу ўринда шуни ҳам эслатиш зарурки, Алишер Навоий асарларини оммафаҳм этиш мақсадида уларнинг изоҳли луғатларини яратиш ва насрий баён этиш усулларига анча илгари мурожаат қилинган. Жумладан, Навоий асарлари асосида юзага келган форс тилидаги "Бадоеъ-ул-луғат" (бу ҳали шоир барҳаётлигида тузилган деган маълумотлар бор), "Хазойин-ул маъоний" девони асосида "Луғати Навоий", "Ал-луғату ало лисоний Навоий", XYI асрда "Абушқа луғати" (Туркияда), XYIII асрда "Санглоҳ луғати", шунингдек, П.Шамсиев ва С.Иброҳимовларнинг "Навоий асарлари луғати" (1972) ва тўрт томлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" (1983-1985), шунингдек, "Хамса"даги "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" достонлари насрий баёнини яратиш йўлида Умар Боқий изланишлари самарали бўлган эди. У бу достонларнинг ғоявий мазмунларини сақлаган ҳолда халқ китобларига яқинлаштириб, оммафаҳм насрий баёнларини яратган эди. Бироқ бу насрий баёнлар ҳам, асосан, умумга қаратилган эди. Афтидан академик-шоир Ғафур Ғуломнинг "Фарҳод ва Ширин", Абдуқодир Ҳайитметовнинг "Ҳайратул аброр", Амин Умарий ва С.Ҳусейнзодаларнинг "Лайли ва Мажнун", Иноят Махсумовнинг "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" достонлари, Ш.Шароповнинг "Лисонут тайр" ҳамда Иноят Махсумовнинг "Маҳбубул қулуб" асарлари насрий баёнларини, шунингдек, академик Азиз Қаюмовнинг "Хамса" достонларига бағишланган бешта шарҳловчи тадқиқотлари ҳам аслида шу йўналишдаги изланишлар давоми бўлганлиги шубҳа уйғотмайди. Рост, бу нашрлар "Хамса" ва бошқа эслатилган асарларнинг ғоявий мазмунини англашда айрича аҳамият касб этиб келаётир, бироқ улар ҳам моҳият эътибори билан умумкитобхонлар диди ва савиясига мўлжалланган бўлиб, боғча, кичик ва ўрта ёшдаги болалар у ёқда турсин, ҳатто ўсмирлар ўқиши ва тушунишига ҳам оғирлик қилади. Бунинг сабабларини тубандагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, мазкур асарлар шўро мафкураси ҳукмронлиги шароитида насрда баён қилингани барчага аён. Бинобарин, шоир тасаввуфий ақидаларини ошкора ва теран ифодалаш имкони чекланган эди. Бу ҳолат мазкур насрий баёнларда сезиларли даражада ўз изини қолдирганлигини инкор этиб бўлмайди.

Иккинчидан, худди шу биринчи сабаб туфайли шоир қўллаган бадиий-тасвирий воситаларнинг эстетик-ғоявий моҳияти кўп ҳолларда ёркин ва теран изоҳланмаган, натижада шоир ғоявий нияти гоҳо мавҳум, гоҳо ноаниқ бўлиб қолганки, ҳар қандай ўқувчи уни идрок қилишга қийналади. Бу ҳол, ўз навбатида, насрий баёнлар тилининг бирмунча ғализлашувига, гоҳо ҳатто айрим жумлаларда нима дейилаётганини уқиб олишнинг қийинлашувига олиб келган. Ҳолбуки, бу соҳада ўзимизда ҳам айрим муваффақиятли тажрибалар мавжуд. Жумладан, профессор Б. Тўхлиев томонидан ғоят билимдонлик ва санъаткорлик билан Юсуф Хос Ҳожибнинг анчайин мураккаб "Қутадғу билиг" асарининг ўсмирларбоп қилиб амалга оширилган насрий адабий баёни (1990) бунинг ёркин мисоли бўла олади. Шу тажрибадан ижодий фойдаланиб, нафақат Алишер Навоий, балки бошқа ижодкорлар асарларининг ҳам шу хилдаги гўзал насрий адабий баёнларини яратиш мумкин. Қолаверса, Алишер Навоий поэтик меросининг турли ёш ва савиядаги болаларга муносиб шарҳ ва баёндан иборат китобат намуналарини яратишга ҳам эътиборни қаратиш даркор. Бу соҳада айрим тажрибалар бизда амалга оширила бошланганини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Жумладан, 1991 йилда "Камалак" нашриёти чоп этган "Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар" тўплами шундай қимматга эга. Бироқ бу шарҳларнинг савияси ҳар хил даражада, айримлари шарҳланаётган ғазалнинг ўзидан ҳам мураккаб, айрим шарҳларда сўз эзмалиги (плеоназм) асл муддаони англашга халал беради. Кейинги пайтларда шоирнинг айрим бир ғазалининг уч ё тўрт хил шарҳ қилина бошланганини кўриб қувонмоқ мумкин, бироқ уларнинг айримларини ўзаро солиштирганда шоир яратган асл байт мазмуни ғира-шира изоҳланганини, айрим ҳолларда эса ўша байт мазмунига алоқасиз изоҳларни ўқиб ҳафсаланг пир бўлиб кетади. Қолаверса, бундай шарҳларнинг ҳаммаси маълум адабий тайёргарлиги бўлган, асосан, катта ёшдаги китобхонларга мўлжалланган. Болалар учун эса ёши ва савия хусусиятларини инобатга олиб, бир қадар соддароқ шарҳлар яратиш талаб қилинади. Бунда соддалик шунчаки жўн одмилик даражасига туширилмаслиги, балки бадиий соддалик талаблари асосида амалга оширилмоғи даркор.

Алишер Навоийнинг бадиий олами ҳайратланарли даражада ҳудудсиз олам, унинг сарҳадларини тийрак қалб кўзлари билан кўра билиш ҳар кимга насиб этавермайди. Эндиликда ўрта умумтаълим мактабларининг 1-синфидан 9-синфигача ўқувчилар 33 соат давомида Навоий ижоди намуналарини ўрганар эканлар, масаланинг ана шу томонига ҳам эътиборни кучайтириш шарт. У.Норматов тўғри таъкидлаганидек, "11-12 йил давомида мактабда таълим олган ўқувчи Навоийнинг лоақал 11-12 ғазалини, шунингдек, "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳоднинг видолашув дақиқалари акс этган бобини, "Лайли ва Мажнун"даги ошиқ ва маъшуқаларнинг мактубларини ёд олиб, улуғ шоирнинг образлар дунёси билан ошно бўлиб, шоҳ сатрлари мағзини чақиб, улар бағрига жо этилган эзгу фикр, нозик туйғуларни дилга жо этиб мактабни тарк этсалар эди, ҳозирги ўқув дастурларида назарда тутилган, қолаверса, олий ўқув юртларига кириш учун тест имтиҳонлари талаб этган "кенг қамровли" билимлар захирасидан кўра кўпроқ фойда олган, бир умр Навоийга шайдо бўлиб қолардилар" ("Жаҳон адабиёти", 2000, 2-сон). Шуларгина эмас, балки Навоий поэтик лексикаси билан ҳам ошно тутиниб, у яратган адабий тилнинг ифода имкониятлари нечоғли бойлигини идрок этиб, ўз она тилларига муҳаббатлари нечоғлик кучаярди.

Ўз-ўзидан аёнлашаётирки, бундай ишларни амалга оширишда навоийшунос олимлар, ёзувчилар, шоирлар, мўйқалам соҳиблари, театр, кино, матбаа ходимлари ва ўқитувчиларнинг ўзаро яктан бўлиб, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур. Шундагина ёшининг ҳар бир босқичида болаларимизнинг наинки фақат ўз Навоийси, балки ўз Лутфийси, ўз Бобури, ўз Турдиси, ўз Махмури, ўз Гулханийси, ўз Машраби, ўз Мужрими, ўз Нодирасию ўз Огаҳийси, ўз Муқимийси ва ўз Фурқати бўлишига эришмоқ мумкин.

**Охунжон САФАРОВ,**
**Бухоро Давлат университети фольклор ва янги ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор**

## *НАВОИЙДА НАВОИЙ БОҒИ*

*Навоийнинг 560 йиллик таваллуд байрами унинг номини олган вилоятимиз ва туманимизда катта тантаналар билан нишонланмоқда.*

*Айтиш жоизки, туманимиз ўқувчиларининг барчаси Президентимиз ташаббуси билан Навоий шаҳрида барпо этилаётган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғининг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кузатиб бормоқда.*

*Айни пайтда туман ўқитувчи ва ўқувчилари ушбу боғни кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиши учун "Ҳашар" дастурини ишлаб чиқмоқдамиз. Дастуримиз таркибида боғнинг қурилиш-монтаж ва бунёдкорлик ишларида қатнашаётган қурувчиларнинг маданий дам олишлари учун Алишер Навоий ғазаллари ва асарлари асосида ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қисқа муддатга мўлжалланган саҳна кўринишлари ва ғазалхонлик соатлари ҳам ўрин эгаллаганлигини таъкидлаш лозим.*

*Янги боғ марказида қурилаётган амфитеатрнинг дастлабки томошаларини намойиш этиш туманимизнинг ёш ўқувчи-актёрларига насиб бўлади, деган умиддамиз.*

*Боғ таркибида "Қўлёзмалар музейи" қурилиши кўзда тутилганлиги ўқувчиларимизда ҳозирданоқ катта қизиқиш уйғотмоқда. Шуни эътиборга олган тумандаги 2,3,4,22-мактабларнинг ижодкор ўқитувчилари ташаббуси билан "Қўлёзмалар музейи", "Тарих тилга кирганда", "Юртим тарихи афсона эмас" каби илмий тўгараклар ташкил этилди.*

*Бир сўз билан айтганда, буюк шоир номи билан боғлиқ тадбирлар ўқувчилар ўртасида тарбия воситасига айланмоқда.*

**Ш.ҲАМИДОВА,**
**Навоий тумани ХТБ мудири**

## БУЮК БОБОМИЗ ҲАҚИДА СЎЗЛАМОҚ...

Мовароуннаҳрнинг Навоий тилида (ўзбек тилида) асарлар ёзган атоқли шоирлари: Бобур, Муқимий, Фурқат, Завқий кабилар Навоийнинг етук асарлари, кенг ва хилма-хил ижодий маҳсулотларини ўрганиш орқали ўзлари ҳаёт кечирган даврнинг овози сифатида вояга етганлар.

XVI асрда Самарқандда яшаб ўтган Афзалий, Ашкий, Одамий, Базлий, Бедилий, Лутфий, Муқимий, Зеҳний, Зайний сингари ўзбек, тожик шоирлари: Муҳаммад Амин Сарафрози Самарқандий, Мулло Қурбони Тамошоий Самарқандий, Фитрати Зардўзи Самарқандий сингари XVII-XVIII аср шоирлари: Фикрий, Фаҳмий, Писандий, Ажзий, Васлий, Журъат сингари XIX аср охири ва XX аср бошларида ўтган шоирлар ҳам ўз қаламларини ижодкорликда ўнглаб олишда у ёки бу ҳолатда Навоий меросига мурожаат этганлар, унинг сўз хазинасидан, маҳоратидан ўрганганлар.

Самарқандлик шоирлар Навоий меросидан моҳирона фойдаланиб, дурустгина асарлар яратдилар, шеърлар, ғазаллар ёздилар, орзу-истакларини куйладилар. Навоийнинг ижодий меросини илмий таҳлил қилиш соҳасида республикамизда, жумладан, Самарқандда бугунги кунда катта ишлар қилинди. Бу ўринда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўқитувчилари жамоасининг илмий ишларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Навоийнинг маънавий меросини ўрганиш билан самарқандлик олимлардан академик Воҳид Абдуллаев, академик Б.Валихўжаев, профессор М.Муҳитдинов, доцент Салоҳий ва бошқалар шуғулланиб, кўплаб мақола ва ўнлаб монографиялар эълон қилишган. СамДУ олимлари Алишер Навоий ижодини илмий тадқиқ қилиш соҳасида ҳозирги кунда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

В.Абдуллаевнинг салмоқдор илмий ишларининг энг каттаси — "Навоий Самарқандда" тадқиқоти улуғ ўзбек шоирининг шу азим шаҳардаги 5 йиллик ҳаёти, ижтимоий-адабий фаолиятини ойдинлаштиришга қаратилган.

Навоий ижодига ўзининг кўплаб мақола ва монографияларини бағишлаганлардан бири Б.Валихўжаевдир. У кишининг "XV-XIX асрда Ўзбекистонда адабий-танқидий фикрнинг ривожига доир" номли илмий иши Навоийнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганиш ва ёритишга катта ҳисса қўшди. "Навоий ижоди — илҳом манбаи" рисоласи ўзбек ва тожик адабиёти ҳамда адабиётшунослигининг атоқли намояндаси С.Айнийнинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганишдаги катта роли ҳақида ҳикоя қилади.

Профессор М.Муҳитдинов Навоий ижоди ҳақида салмоқли илмий изланишлар қилган олимдир. Унинг "Барҳаёт анъаналар", "Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик" ва бошқа асарлари республикамиз аҳлига маълум. Навоий туғилган кунда унга бағишланиб ҳар йили Самарқанд университетида, Алишер Навоий музейида илмий конференция ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилади. СамДУ кутубхона жамоаси ҳам шу кунга бағишлаб ўқув залларида, қироатхоналарда кўргазмалар ташкил этиб, илмий-амалий конференциялар ўтказишни мўлжаллаб қўйишган.

**М.МАҲМАТҚУЛОВ,**
**О.МУҲАММАДИЕВА,**
**Т.БОРОНОВ**



**Барча масканлардаги каби Чилонзор туманидаги 181-мактабда ҳам навоийхонлик тадбирлари бўлиб ўтди.**

**Суратларда: директор ўринбосари У.Орипова ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчиси М.Расулова адабиёт хонасида болалар билан; "Навоий ғазаллари шайдосиман" туман кўрик-танлови ғолибаси, мактабнинг 4-"А" синф ўқувчиси Гулҳаё Муҳаммадиева.**

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**



## *ТУҲФА*




"Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса..." дея ёзганида шоир мабодо бундай вазият юзага келадиган бўлса, инсон маънавий қашшоқлик ботқоғига ботишини назарда тутган эди. Дарҳақиқат, Навоий асарларисиз шаклланган маънавият кемтик маънавият бўлиб қолади. Лекин шуни айтиш жоизки, Навоий асарлари бугунги кунда деярли ҳар бир хонадонда, ҳар бир адабиёт ихлосманди китоб жавонида мавжуд. Бу эса буюк мутафаккир ижодига қайта-қайта мурожаат этишнинг нақадар зарурий ва ҳаётий эканлигининг белгисидир. Шу кунларда навоийхон мухлиснинг китоб жавони яна бир керакли манба билан бойийдиган бўлди. Бу Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида яқинда нашрдан чиққан профессор Ҳамиджон Ҳомидов масъул муҳаррирлигидаги "Навоийга армуғон" китобидир. Буюк мутафаккирнинг 560 йиллигига туҳфа сифатидаги мазкур тўплам шоир ижоди ҳақидаги иккинчи китобдир. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Навоий ижодини ўрганиш, ўргатиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор берилиб келинаётганининг самараси сифатида дастлаб 1968 йили бир қатор олимлар тадқиқотларидан гулдаста сифатида "Навоийга армуғон" номли тўплам нашр этилган эди. "Навоийга армуғон"нинг иккинчи китоби сифатида юзага келган ушбу тўпламда республикамиз ҳамда ТДПУнинг атоқли олимлари билан бир қаторда истеъдодли ёшларнинг ҳам иштироки борки, улар ўз тадқиқотлари билан устозлари анъанасини давом эттиришган.

Мажмуадан жой олган аксарият мақолалар Навоий ижодининг кам ўрганилган жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Мазкур кузатишлар, ўйлаймизки, даҳо санъаткор меросини янада теранроқ идрок этишга кўмаклашади. Айтиш жоизки, ушбу китоб буюк адиб таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан илм-адаб аҳлига муносиб туҳфа бўла олади.

**Шерали НИШОНОВ**

# СЕВГИНИНГ ДАРАЖАСИ

Ёзма адабиёт пайдо бўлгандан бери қанча асар ёзилганини ҳеч ким ҳисоблаб чиққан эмас. Бунинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ. Аммо шу нарса аниқки, ёзилган асарларнинг деярли ҳаммаси, яшаб келаётган бадиий дурдоналарнинг бари севги, муҳаббат, ишқ ҳақидадир. Ишқ — гўзалликдан. Гўзаллик — Яратгандан. Дунёдаги гўзалликларни Оллоҳ назари тушган очиқ кўзлар кўрадилар, севадилар ва тасвирлайдилар. Ҳазрат Навоий шундай ижодкорларнинг олдинги сафида туради.

Бобур таъбирича: "Ҳеч ким анингдек кўб ва хўб ёзғон эрмас". Фасоҳат, нафосат ошиғи ўлароқ ҳазрат асарларини ташналик билан ўқир эканман, бир рубоийга ўзгача ишқим тушган:

***Жондин сени кўп севармен эй умри азиз,***
***Сондин сени кўп севармен эй умри азиз.***
***Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,***
***Ондин сени кўп севармен эй умри азиз.***

Лафзий санъатлардан тарсеъ санъатининг мумтоз намунаси ҳисобланмиш бу мўъжаз асар ҳам зоҳиран, ҳам ботинан гўзалдир. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралардаги "Жондин", "сондин", "ондин" сўзлари ўзаро қофияланган бўлса, қолган сўзлар: "сени кўп севармен эй умри азиз" такрорланиб, радиф бўлиб келади. Бу тарсеъ санъати талаби — маълум мисралардаги сўзларнинг бир-бирига оҳангдош-вазндош, қофиядош бўлиб келишига тўла мос келади.

Энди рубоийнинг ботинан гўзаллиги — маъно оламига кўз ташлаймиз.

Аввало, мисраларни боғловчи "сени кўп севармен, эй умри азиз" жумласини кўриб чиқамиз. Маъноси барчага тушунарли. Ошиқ учун умри азиз бўлган гўзал ёрга мурожаат қилинаяпти. Бу ерда сўз ишқи мажозий ҳақида бораяпти. Буни ишлатилган "умр" сўзи исботлайди.

Энди оҳангдош, қофиядош сўзларга эътибор берамиз. Биринчи мисрадаги сўз — "жондин".

***Жондин сени кўп***
***севармен эй умри азиз.***

Имом Ғаззолий "Кимёи саодат"ида "жон" ҳақида шундай сўз боради: "Яна бири маънии ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар. Бу маънии ботинни (яширин маънони) ботин (ички) кўз бирла танигани бўлур. Зоҳир кўз бирла кўргали бўлмас. Ва сенинг ҳақиқатинг — ушбу маънии ботиндур. Ва ҳар нимарсаки, бу маънии ботиндин ўзгадур — ҳамма анинг тобеи ва лашкаридур. Ва хизматкоридурлар".

Англашилаяптики, жон инсон борлиғининг энг муҳим омили, инсон учун энг қимматбаҳо, мисли йўқ. Биринчи мисрада ошиқ азизасини жонидан ҳам ортиқ кўришини билдираяпти. Кейинги мисрада бу севгининг даражаси янада ортади:

***Сондин сени кўп севар***
***мен эй умри азиз.***

"Сон" сўзи ҳам барчага тушунарли. (Ушбу рубоийда кўпчилик тушунмайдиган арабча-форсча сўзлар йўқ). Мисрада у миқдор ҳамда адад маъноларида келмоқда. Севгининг миқдори, ишқнинг адади бўладими! Инсон боласи ишлатадиган қанча сон - рақам бор: миллион, миллиард, триллион... Ошиқ азизасини ўша мавжуд сондан ҳам кўпроқ, чексиз, ададсиз севади. Кейинги мисрада: ушбу ададсизликнинг чегараси белгиланаяпти:

***Ҳар неники севмак***
***ондин ортиқ бўлмас.***

Шундай эса-да:

***Ондин сени кўп севар-***
***мен эй умри азиз.***

Демак, Навоий севгисининг даражаси шунчалик ҳайратланарли даражада чексиз. Бу — битта рубоийдан келиб чиқаётган хулоса...

Мавлоно Лутфий ёш Алишербекнинг бир байтига бутун ижодиётини алишмоқчи бўлган. Мен ҳам бир мухлис ўлароқ шу пайтгача ёзилган севги ҳақидаги асарларнинг барчасини Ҳазрат Навоийнинг ушбу рубоийсига тенгламас эдим.

**КАРВОНЛИ**

**Саҳифани Ҳусан НИШОНОВ тайёрлади.**

*Навоий шеърларининг таърифидир бир жаҳон,*
*Биз уни эъзозлайлик, китобин бошга қўйиб.*

*Бугунги куннинг оғриқли муаммоларидан бири экологик муҳитнинг ёмонлашуви. Экологияни асраб-авайлаш инсон ҳаётини асраштдир.*



## Navoiy avlodlari mushoirasi

### МУВАШШАХ

Аллоҳ Сизни яратгандир улуғ, беназир,
Латофат бўстонининг Сиз барҳаёт хоқони.
Илму ижодингиздан дуру гавҳарлар териб,
Шавққа тўлиб кетади, авлодингиз замони.
Етти иқлим ҳайратда, ашъорингиз сеҳридан,
Раҳнамосиз башарга муҳаббату меҳрдан.

"Навосиз улуснинг навобахши бўл",
Айтган ўгитингиз қалбимиздадир, ҳазрат.
Валадингиз ҳамиша Сизга таъзимда бўлар,
Она тилимнинг буюк султонидир Сиз абад!
Ижодингиз гулшани яшнатар ҳар замонни,
Йиллар ўтар, назм ила титраттайсиз жаҳонни!

**Ҳожибегим ХУДОЁРОВА,**
**Қизилтепа туманидаги 37-лицей-интернат ўқитувчиси**

### ҲАЗРАТИМ

Офтоб янглиғ зиёли, нурли инсон ҳазратим,
Сўз мулкида тенги йўқ, соҳир султон ҳазратим.
Сиз адолат офтоби, қалбларимиз чироғи,
Бевафо бу дунёда тоза виждон ҳазратим.
Пиру комил инсонга таъзим қилур шоҳлар ҳам,
Шаҳаншоҳга раҳнамо, даври даврон ҳазратим.
Оналар оқ сутидек покдур ҳаёт йўлингиз,
Бағри кенг мисли уммон, ойдин осмон ҳазратим.
Чексиз қувонч топдингиз башар бахтини куйлаб,
Суйиб эгам яратган, етук иймон ҳазратим.
Ўзингизни ўйламай, ҳур келиб ҳур кетдингиз,
Тили содиқ дилига, комил инсон ҳазратим.

**Болибой ЖЎМАРТОВ,**
**Челак туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси**

### НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бевафо эркан бу дунё сўрма ҳайрондин вафо,
Недирки ҳайрондин вафо, дили гирёндин вафо,
Ахтариб овора бўлма, қайси бир ёндин вафо,
Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,
Улки даврон офатидур, не тамаъ ондин вафо?!

Мен вафо деб топганим, улки жафо бўлса, не тонг,
Ҳақиқатнинг пойида бу дил адо бўлса не тонг,
Ҳасратларимнинг тошидан қад дуто бўлса не тонг,
Жониму умрумдир ул ой, бевафо бўлса не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо?

Мен бари меҳримни бердим, бир вафолиғ келмади,
Ташна бу музтар кўнгилга ё сафолиғ келмади,
Мен фидо қилдим бу жонни лек фидолиғ келмади,
Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ келмади,
Ҳар нечаким кўрдилар мен зору ҳайрондин вафо.

Фикри доно сарғарур, аҳли илм зар топмади,
Ошно бўлди китоб, бошқа сирдош, ёр топмади,
Ғам-андуҳни қувгувчи бир малҳами шеър топмади,
Чун вафо гулбарги даврон боғида ер топмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Ким вафо қилса илоҳи меҳридан қолдирмасун,
Қилса ул меҳру вафо, лекин жафо ёндурмасун,
Ҳеч кимсани Малик жондек вафо деб толдурмасун,
Кимса кўнглин кимсадин истаб вафо, олдурмасун,
Ким манга ход етмади ул кўнглим олғондин вафо.

**Маликжон БОБОРАҲИМОВ,**
**Фарғона Давлат университети доценти**

### ШОИР ҚУРГАН ҚАСР

*Беш ярим асрдан ўтса-да, устоз,*
*Сиз терган гавҳарга биз ҳануз муҳтож.*
*Сиз тузган девонга етмайди қулоч —*
*Сиз туркий тилига кийдирдингиз тож.*

*Беш ярим асрдан ўтса-да, ҳамон,*
*Адолатга чорлар, сиз қурган минор.*
*Ўтса-да, неча йил, неча бир замон —*
*Шоирлар бўйнида сиз берган тумор.*

*Низомий қўлига панжа урдингиз,*
*Сўнг отни бу майдон ичра сурдингиз.*
*Гўёки беш достон, беш ҳайкал бўлиб —*
*Шеърият кўксига қаср қурдингиз.*

**Гулчеҳра ШАҲОБИДДИНОВА,**
**РТМ бўлим бошлиғи**

### МЕҲР ҚЎЙИБ

Навоий девонига боқаман меҳр қўйиб,
Шеърларин ёд оламан, биридан бирин суйиб.
Дунёда шоирлар кўп. Фарқи бор Навоийнинг,
Шеърининг ҳар байтини ёзган у бағри куйиб.
Навоий ишқ шоири. Бир умр бахтиёрдир —
Бу ишқнинг маъносини чаққанлар дилдан туйиб.
Шоирнинг ёзганлари бир уммон. Армони йўқ, —
Ким агар бу уммондан сув ичса тўйиб-тўйиб.
Кўйласа Навоийдан «Муножот» авж пардада,
Гоҳ хурсанд, гоҳ йиғлармен, туролмам ўзни тийиб.
Шеърият бир қаср эса, унинг ҳар эшигига —
Навоий сўзларини ёзайлик ўйиб-ўйиб.
Навоий шеърларининг таърифидир бир жаҳон,
Биз уни эъзозлайлик, китобин бошга қўйиб.

**Абдул-ҚОДИР**

### УСТОЗ НАВОИЙГА

Сиз танлаган йўлдан бораман мағрур,
Гарчи бу йўлларда машаққат бисёр.
Недир ёзиб-чизиб, топарман ҳузур,
Гарчи ёзганларим шеър демоқ душвор.

Кутмасман ағёрдан ширин хушомад,
Лек, талаб ҳам қилиб олмасман мақтов.
Сиз каби мендан ҳам юз ўгирмас бахт,
Қалбимда сўнмаса шеърият—олов!

Сиз асло сўндирмай кетган у гулхан
Бугун қизингизга этмоқда насиб.
Яшолсам, бобожон, мангу бахтлиман
У гулханни баттар алангалатиб!

**Зулфия БОБОЕВА,**
**ўқувчи**

## Jurnalning yangi sonida



# ҚАНДАЙ ЭРТАК АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?

*"Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман. Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканлигини теран англаб етсин".*

*"Мактабгача таълим" журналининг янги сони Президентимизнинг юқоридаги гаплари билан бошланади. Зеро, ҳар қандай таълим ва тарбиянинг пойдеворини бизнинг мурғак ўғил-қизларимиз боғчада оладилар.*

*Яна шуни ҳам унутмаслик кераккки, бола илк тарбияни оилада ҳам олади. Унинг мукаммал тарбия олиши учун оиладаги муҳит соғлом бўлмоғи керак. Бола учун бу оламда ҳар бир ҳодиса янги, сирли бўлиб кўринади. Мультфильмларнинг бирида янгигина туғилган қуён боласи оппоқ қорни кўриб "Вуй дунё оппоқ экан" деб илк бор ҳайратланганини кўрган бўлсангиз керак. Худди шу қуёнча каби кичкинтойлар ҳам оламу одамлар, жониворларга, ҳаттоки ёғаётган ёмғиру тўкилаётган баргларга ҳам қизиқиш ва ҳайрат билан қарайдилар. Бу ҳайратлари ота-она, тарбиячиларига бераётган сон-саноқсиз саволларида ҳам намоён бўлади.*

*Бу саволларга эртаклар, қизиқарли ҳикоялар билан жавоб бериш мумкин. "Оилада ва боғчада болаларнинг китобга бўлган қизиқишини тарбиялаш масалалари" номли мақола муаллифи Ойша Қўчқорова юқоридаги саволларга ўз ҳаётий тажрибалари, илмий ишлари натижаларидан келиб чиқиб жавоб беради.*

*Бугунги куннинг оғриқли муаммоларидан бири экологик муҳитнинг ёмонлашуви. Экологияни асраб-авайлаш инсон ҳаётини асраштдир. Демак, биз фарзандларимизга уларнинг кўнглига ғубор тушмасдан, ҳамма одатланиб қолган қилиқларни ( дейлик, атроф-муҳитни ифлослантириш, сувга ёмон нарсаларни ташлаш каби) такрорлашни бошламасларидан олдинроқ экологик тарбия беришимиз зарур. Ва бу тарбияда бизга топишмоқлар, турли эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини болаларга сўзлаб бериш, турли мавзуларда суратлар чизиш мусобақаларини ўтказиш ёрдам беради.*

*"Топишмоқлар борлиқнинг кенг соҳаларини қамраб олганлиги боис таълимий, тарбиявий ва дидактик имкониятларга жуда бой бўлади. Шунинг учун болаларни ҳар томонлама ҳам ақлий, ҳам жисмоний тарбиялашда топишмоқларнинг ҳар хил кўринишлари, жумладан, бошқотирма, ребус, тестли топишмоқлардан кенг фойдаланиш мумкин", дейди Бухоро Давлат университети аспиранти Гулмира Комилова "Топишмоқ — экологик тарбия воситаси" мақоласида.*

*Сиз ёш болаларни чўмилтираётганда, жажжигина фарзандингизга янги кийим кийгизаётганингизда, илк ёшдаги бола юра бошлаганда нима дейишни, уни қандай сўзлар билан эркалашни биласизми? Журналнинг "Тажриба минбари" рукни остида чоп этилган "Эркалик — болаликка хос" мақоласи ҳам бола тарбиясида халқ оғзаки ижодидан қай тарзда фойдаланишни, болани қандай сўзлар билан суйиб-эркалашни кўрсатиб беради.*

*Журналда бу каби қизиқарли ва ўқишли мақолалар, қўлланмаларнинг яна бир қанчаси чоп этилган.*

**Ш. МАДРАҲИМОВА**

## МАҲАЛЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТ

**Пойтахтимиздаги А.Икромов туманининг 4 та мактаби ўқувчилари туман ҳокимияти биносига йиғилишиб, "Маҳаллада соғлом муҳит, мактабда соғлом авлод" мавзусида кўрик-танлов ўтказдилар.**

**Танловга 75-,193-,197-,203- мактаблар жойлашган маҳаллалардаги кекса отахон ва онахонлар, маҳалла фахрийлари, туман "Маҳалла" жамғармаси ходимлари таклиф этилди. Ўқувчилар 4 та шарт бўйича беллашдилар. Айниқса, "Оила, маҳалла, мактабда ўқувчилар тарбиясидаги муаммо" мавзусидаги шартда ўқувчилар саҳна кўриниши орқали турли-туман муаммоларни кўрсатиб беришди.**

**Болалар маҳалла тарихини, унинг бугунги кунини, маҳаллада етишиб чиққан таниқли кишиларни нечоғли билишларини "Мен ва менинг маҳаллам" шартида ва яна ўзлари тайёрлаган деворий газета ва рефератларда акс эттиришди.**

**Ҳакамлар ҳайъати барча шартларни аъло даражада бажарган 197-мактабнинг "Меҳр" жамоасини ғолиб деб топди. Барча иштирокчиларга туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. 197-мактабнинг "Меҳр" жамоаси шаҳар миқёсида бўлиб ўтадиган танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, ота-она ва муаллимларнинг ҳамжиҳатликда ишлашига ёрдам бериши шубҳасиз.**

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

# КЕЛАЖАК ЧЕЧАКЛАРИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Себзор даҳасида жойлашган "Оймома" номли 551-болалар боғчасига қадам қўяр эканман, шинамлик ва озодалик кайфиятимни кўтарди. Мен ушбу боғча мудираси вазифасини бажарувчи Маъсуда опа Ғаниева билан суҳбатлашдим.

—Болажонларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари учун, аввало, бу ерда барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди Маъсуда опа. — Айни кунда боғчамизда "Моҳир қўллар" ва "Бадиий гимнастика" тўгараклари очилган. Боғчамизда ҳафтада бир маротаба "Нафосат" куни ўтказилади. Унда болажонлар ўз қўллари билан нафис расмлар чизишади.

Боғчамизда шашка, шахмат, каратэ ва сузиш тўгараклари ҳам мавжуд бўлиб, кичкинтойлар уларда фаол иштирок этишади.

Болаларга инглиз ва рус тилларини ўргатиш йўлга қўйилган бўлиб, бу борада биз малакали тарбиячиларга таянган ҳолда иш олиб борамиз.

Муассасамизда болалар учун турли суҳбатлар ва мактаб ёшига етуклик даражасини аниқловчи тестлар ўтказилади. Шу билан бирга кичкинтойларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, табиатга оид билимларини кенгайтириш, теварак-атроф билан таништириш бўйича алоҳида ишлар олиб борилмоқда.

Боғча маъмурияти келгусида машғулотлар йўналишини янада кенгайтиришни мақсад қилишган. Шунингдек, "Соғломлаштириш маркази" очиш ва болаларни янада соғломлаштиришга эришиш ҳам уларнинг режасига киритилган.

Боғчада ибратли ишларни амалга оширишда фаол тарбиячилардан Малика Муҳамедова, Фарида Дадажонова, Латофат Ёқубова, Муборак Назароваларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Боғчадан қайтар эканман, барча ишлар тўғри йўлга қўйилган жойдагина ютуқларга эришиш мумкинлигига амин бўлдим.

**Мухлиса МУҲИДДИНОВА**

## Xullas...

### ХУРМАЧА ҚИЛИҚ

Қудуқ ичида саккиз соат ўтирган одам, айниқса, қиш фаслида, омон қолиши гумон. Икки ширакайф улфатнинг хурмача қилиғи элликларни қоралаб қолган аёлни қудуққа итариб юбориш билан якун топди. Улар қудуққа ташланган одам ғарқ бўладими, йўқми, дея бир-бирлари билан баҳслашиб қолдилар.

... Бу иш амалга ошгач, тезликда жуфтакни ростлашди. Қудуқ ичида эса қўрқувдан додлашга ҳам ҳоли етмаган аёл қолди. Кимсасиз жой бўлгани боис, бу ердан ҳеч ким юрмасди. Хайриятки, инграган товуш машинада ўтиб кетаётган йўл полициясининг қулоғига чалинди.

Полиция ходимининг қутқарувчилар бригадасига хабар бериши Кишинёвдан узоқ бўлмаган Добруж қишлоғида яшовчи Иоанна хонимга ҳаёт қувончини бахш этди. Ким билсин, полиция ходими учрамаганда, ҳоли нима кечарди?

### МОБИЛ ТЕЛЕФОНИ — ХОТИРА "ДУШМАНИ"

Таллинн техника университети олимлари хулосасича, мобил телефонининг соғликка зиёни бор. Бу алоқа воситаси экология билан умуман боғлиқ эмас. Табиат мувозанатининг бузилиб бораётгани ҳақидаги баҳслар ҳамон давом этмоқда, аммо ҳеч нарса исботини топгани йўқ. Мобил телефони ҳам экологик фожиалар каби инсонга фақат зарар келтиради.

Хўш, талабалар ҳаётига мобилнинг таъсири қандай? Ўзларига ҳаддан ташқари бино қўйган казо-казоларнинг фарзандлари тест синовларидан ўтказилганида, тадқиқотчилар бош чайқашди. Уларнинг 90 фоизи топшириқни чала-ярим, ишончсиз ёки нотўғри бажаришган. Хулоса шуки, мобил телефонидан фойдаланиш кишини руҳий зарбага дучор этиб, диққат ва хотирани пасайтиради.

Демак, ундан фойдаланувчилар буни билиб қўйсалар, фойдадан холи бўлмасди.

### АВСТРАЛИЯДА ЖАЗИРАМА, СИБИРДА ҚАҲРАТОН, БИЗДА ЭСА ҚИШДА БАҲОР ШИВИРЛАМОҚДА

Сибирь совуқларини тасавур қилишга уриниб кўринг! Аммо тасаввур бошқа, ҳаётнинг ўзи бошқа. Тасаввурни исботлаш учун бориб кўрмоқ керак.

Ҳозир Сибирда ҳаво 50 даража совуқ. Ўлкамиз қишида эса, қорни ҳам, ёмғирни ҳам, қуёшни ҳам кўриш мумкин. Бежиз шоиримиз "Қишларида шивирлар баҳор" дея таърифламаган юртимизни.

Австралияда эса жазирама, ҳарорат 46 даражани ташкил этмоқда. Сиднейлик ёшлар жазирамани "енгиш" учун ўзларини сув ҳавзаларига отишяпти.

**ana shunaqa gaplar...**

## Sport maydonchasi

### "МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ"

Ҳозирда ушбу нуфузли мусобақани ўтказиш юзасидан Республика спорт курашлари ассоциацияси қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Гран-при тарзида ўтадиган бу мусобақаларга ҳар куни ўнлаб мамлакат спорт муассасаларидан қизиқиш билдирилмоқда.

### ГАНДБОЛ

Спортнинг ушбу тури бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида французлар майдон эгалари — Швеция терма жамоасини 28:25 ҳисоби билан финал босқичида мағлуб этди. Учинчи ўрин Югославия вакилларига насиб қилди.

### ТЕННИС

АТП таснифидаги Милан теннис турнири россиялик Евгений Кафельников учун кўнгилдагидек кечмади. Чорак финалда олимпия чемпиони 19 ёшли Р. Федеререга (Швейцария) матчни бой берди. Токиодаги аёллар турнирида Л. Девенпорт Мартина Хингисни мағлуб этиб, бош соврин соҳиби бўлди.

### ХОККЕЙ

"Крылья Советов" спорт саройида ўтган асрда эришилган энг катта ютуқлар — хоккей бўйича Олимпия ўйинлари олтин медаллари шарафига тантаналар уюштирилди. Унда рус хоккейи ривожига ҳисса қўшган таниқли фахрий спортчилар иштирок этди.

### БАСКЕТБОЛ

МБАнинг номдор жамоаси — "Сокроменто" раҳбарлари бош мураббий Рик Адельман билан қайта шартнома имзолади. Бунга асосий сабаб, жамоа сўнгги 12 учрашувдан 11 тасини ғалаба билан якунлади.

## QUTLOV!

*Ҳурматли Мунавварxон ШАРИПОВА!*

*Сизнинг 55 ёшлик тўйингиз билан ҳамкасбларингиз — Навоий туман халқ таълими бўлими ходимлари чин юракдан қутлайдилар. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, таълим тараққиётига қўшаётган ҳиссангизга ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича ёш ўқитувчилар ўртасида олиб бораётган самарали меҳнатингизга улкан муваффақиятлар тилаб қоладилар.*

**Навоий туман халқ таълими бўлими жамоаси**

# САВОБТАЛАБ ИНСОНЛАР УЧУН



Савобталаб инсонларнинг энг севимли журналларидан бирига айланиб бораётган "Ҳидоят" журналининг 2000 йилги охирги 11-12-сони нашрдан чиқди.

Ақлини ишлатиб, илм ўрганганлар фаришталардан ҳам юқори мавқега эга бўлади, дейдилар. Бу йўлда бизга кўмакчи бўлиб, йўналиш бераётган "Ҳидоят" журналининг ушбу сони имом Марғиноний ва имом Мотуридий таваллуд тўйларига бағишланган. "Улуғ алломалар ибрати" (Абдурашид қори Баҳром), "Ал-Марғиноннийнинг жаҳон ҳуқуқий маданиятига қўшган ҳиссаси" (А.Саидов), "Ал-Ҳидоя"да Қуръон оятларининг ўрни" (О.Қориев), "Ал-Мотуридий — ғоявий бирлик дарғаси", "Бурҳониддин ал-Марғиноннийнинг илмий мероси" (А.Жузжоний), "Илм ила шарафланган зот" (У.Уватов) каби кўпгина мақолаларда бу икки буюк аллома, улар фаолияти, асарлари таълимотининг моҳияти, аҳамияти ҳақида сўз боради. Жумладан, таниқли олим Убайдулла Уватов шундай фикр юритади: "Хўш, аллома Имом ал-Мотуридий яратган таълимотнинг моҳияти нимадан иборат? Бугунги кун учун нечоғли аҳамиятга эга?

Мавриди келганда айтиш кераккки, бу зотгача калом илми фақат нақлга (ривоят, ахборот) таяниб фикр-мулоҳазалар билдирган. Имом ал-Мотуридий эса, иккита асосий манбага — ақл ва нақлга бирдай таяниб иш тутган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталигида (арабча: тавассут) яратган.

... Аллома таълимоти ҳидоят йўлидан адашган баъзи бузғунчи гуруҳларни фош этишда бугун ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир".

"Амри маъруф" рукнидаги "Оилада ота масъулияти" (Ҳ.Ишматбеков), "Мулоҳаза" рукнидаги "Ақл бойлик, нафс нуқс" (В.Абдуллаева), "Қаҳрамон аёллар" рукни остида берилган Ҳазрати Оиша (р.а.) ҳаётидан ҳикоялар, "Тобеинлар ҳаётидан" рукнидаги "Адолат рамзи (А.Р.Пошшо), "Ибратли воқеалар" рукнидаги "Сизлардан ажралиб қолишни истамайман" (А.Ҳикмат таржимаси) каби яна бошқа ибратли битиклар ҳам кенг журналхонлар оммасига мўлжалланган. Жумладан, Салоҳиддин Муҳиддиннинг "Яхши муомаланинг фа-зилати" мақоласида "Ражъат", "Идда" масалалари, уларнинг шариатдаги ечими, идданинг фойдаси ҳамда идда сақламай кетиб қолишнинг зарари ҳақида сўз юритилган.

**Ҳусан КАРВОНЛИ**

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси институт ўқув бўлими бошлиғи Саодат Умаровага турмуш ўртоғи **Ботир УМАРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи жамоаси, олий тоифали рус тили ва адабиёти ўқитувчиси **Ботир УМАРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компьютерида
Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчи муҳарир: Аҳмад ОТАБОЕВ, навбатчи Фарҳод ИРДАШЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2117. Тиражи 38.273.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.